Мусобоқишлик махалла кўча 5/3, тел: 239-93-11

| O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI | РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН |
| --- | --- |
| **TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING MAHKAMASI** | **АППАРАТ ХОКИМА ГОРОДА ТАШКЕНТА** |
| 100 061, SHPX, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 51 | 100 061, ГСП, г.Ташкент, ул.Ислома Каримова, 51 |

4999-ТХ
04.09.19

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари М.А.Варисовага**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2019 йил, 8 августдаги 4-682-сонли хатингиз юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

Учтепа тумани, Н.Хўжаев кўчаси, 119-уйда яшовчи фуқаро А.Хамидовнинг ёзма мурожаати Учтепа ҳокимлиги томонидан қонун доирасида ўрганилиб, ижобий ҳал этилганлигини маълум қилади.

Илова -1 варақда.

O'ZBEKISTON XDP
MARKAZIY KENGASHI
KIRISH B.
№ 1206
24 сентябрь 2019 y.
QAYTARILMAYDI

**Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси** **Д.Нажмутдинова**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
**TOSHKENT SHAHAR
UCHTEPA TUMAN
HOKIMINING MAHKAMASI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**АППАРАТ ХОКИМА
УЧТЕПИНСКОГО РАЙОНА
ГОРОДА ТАШКЕНТА**

Toshkent sh. 100126, Farhod ko'chasi, 21 г.Ташкент, 100126, ул. Фархадская, 21.

**2019 йил** 20.9 № 4999-ТХ

**Учтепа тумани
Н.Хўжаев кўчаси 119-уйда
истиқомат қилувчи фуқаро
А.Хамидовга**

*2019 йил 12 августдаги
4999 ТХ-сонли мурожаат юзасидан*

Сизнинг 2019 йил 12 август куни Тошкент шаҳар ҳокими Ж.Артикходжаевга уй-жой масаласида йўллаган мурожаатингиз Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўрнатилган тартибда кўриб чиқилди.

Ўрганиш давомида юқорида кўрсатилган манзилда 2 нафар фарзандингиз яқин қариндошларингиз билан биргаликда яшаётганлигингиз, оилали эканлигингиз, қизингиз болаликдан ногиронлиги, уй-жойга муҳтожлигингиз маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги № 170-сонли "Давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва фуқароларга ижара шартномаси шартлари асосида беришни тартибга солишга қаратилган норматив-хукукий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" ги карорига асосан, туман ҳокими номига йўллаган мурожаатингиз юзасидан 2019 йил 30 август куни туман махсус комиссияси томонидан Сиз билан суҳбат ўтказилди Суҳбат давомида 170-сонли қарорнинг 12-бандида кўрсатилган ижтимоий мезонлар асосида комиссияга тақдим этган хужжатларингиз кўриб чиқилиб, Сизга туманнинг 15-мавзесида "Боғобод" МФЙсида қуриб битказилган кўп қаватли хонадонлардан 2 хонали коммунал фонд сифатида хусусийлаштириш хуқуқисиз ижара шартлари асосида фойдаланиш учун бириктириб берилганлигини маълум қиламиз.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан, Сиз жавоб хатидан норози бўлган тақдирда юқори турувчи ташкилотга мурожаат этишингиз мумкинлигини маълум қиламиз.

**Туман ҳокимининг ўринбосари** **М.Арипова**

*Ижрочи: Д.Бозорова
Тел: 274-28-38*